

Кишан



11:49 / 17.03.2025 1606

Ким сенга ёмонлик қилган бўлса демак, боғичингни ечибди. Зеро, яхшилик кишандир.

Жалолиддин Румий

Шарҳ: Яхшилик, гўзал муомала ўзгалар қалбини забт этиб, уларни ўзингга «боғлаб олишга» сабаб бўлади. Шу боис, эҳсон ва эзгулик кишан деб аталмоқда. Қачонки, бир кимсага ёмонлик қилсангиз ёхуд қўпол муомала қилсангиз демак, орангиздаги арқонни узган бўласиз. Ортиқ, уни сиз билан тутиб турадиган ҳеч нарса қолмайди. У Сиздан узоқлашади.

Алишер Султонходжаев

Ушбу мақола Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитасининг 2025 йил 4 мартдаги 03-07/1462-сонли хулосаси асосида тайёрланди.